



Касбим билан фахрланаман!

Орзусиз инсон йўқ. Мен ҳар гал автобусда Мустақиллик майдонидан орзу-хаёлларга берилиб ўтиб кетаётганимда, ҳашамат билан қурилаётган бино эътиборимни тортарди. Бир маротаба шу бинога кирсам, китоб мутолаа қилсам дердим.

Инсон нимаики орзу қилса, барчасига эришади, деганлари бежиз эмас экан. Биринчи Президентимиз томонидан бунёд этилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига 2012 йилда танлов асосида ишга қабул қилиндим. Ушбу кунни ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири деб биламан. Чунки ёшлигимдан китобга ошно бўлганман. Бу ерда - ишхонамда эса китоблар оламида бўлганимдан хурсандман. Китоблар инсонларга фақат яхшилиқни ўргатади. Бу даргоҳда касб сирларини устозларим Феруза Нормуродова, Одина Ҳамидо-

ва, Умида Тешабоева опалардан ўргандим. Элимизга, ёшларимизга китоб мутолаасида оз бўлса-да, ёрдамим тегишидан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Кутубхонамизга ҳар ҳафтада «Бекажон» газетасининг янги сонлари келиб туради. Газетанинг ҳеч бир сонини қолдирмасдан, мутолаа қиламан. Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигига кўз тегмасин. Ҳар бир ёш, ҳар бир инсон ўзи орзу қилган касбини эгаллаб, мен каби ўз ишидан ва ишхонасидан фахрланиб юрсин!

**Зайнаб Тўтиева,
Тошкент вилояти,
Қибрай туманидан**